

Уйингизда баракани таъминловчи омиллар



08:00 / 05.05.2021 3024

Уч нарса доимий назоратга оламиз:

- телевизорни;
- интернетни;
- телефонни.

Уч нарсани тақиқлаймиз:

- ғийбатни;
- тортишувни;
- ҳурматсизликни.

Уч нарсани давомли қиламиз:

- жамоат билан намоз ўқишни;
- Қуръон тиловатини;

– маърифий суҳбатларни.

Учта алоқани узмаймиз:

– қариндошликни;

– қўни-қўшничиликни;

– ғариблардан кўнгил сўрашни.

Учта нарсани камайтирамиз:

– овқат ейишни;

– ухлашни;

– гапиришни.

Учта феълни тарк этамиз:

– танқидни;

– ортиқча танбеҳни;

– истехзони.

Учта нарсага ташвиқ қиламиз:

– сабрга;

– шукрга;

– қаноатга.

Учта нарсани кўпайтирамиз:

– дуони;

– истиғфorni;

– зикрни.

Учта нарсага эга чиқамиз:

– юмшоқ феъллилиikka;

– осонлаштирувчилиikka;

– кечиримлиликка.

Учта нарсани киритмаймиз:

– фоизни;

– ноҳақ топилган пулни;

– ҳаром озуқаларни.

Учта нарсага бепарво бўлмаймиз:

– ҳалоллашишга;

– кечирим сўрашга;

– миннатдорчилик сўрашга.

Учта дуонинг келиб туришига ғайрат қиламиз:

– ота-онанинг дуоси;

– ғарибларнинг дуоси;

– солиҳларнинг дуоси.

Учта нарсани тарк этмаймиз:

– китоб ўқишни;

– ўрганганларимизга амал қилишни;

– тушуниб етганларимизни бошқаларга ҳам тушунтиришни.

«Ҳилол» журналининг 4 (25) сонидан